



XASR

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2016-YIL 31-MART, PAYSHANBA, 13 (645)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 30 март куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлаб, ушбу учрашув ўзаро ҳамкорлик бўйича фикр алмашиш учун яхши имконият бўлиб, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали ва доимий алоқаларнинг узвий қисми эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда Германияни Европадаги йирик интеллектуал, иқтисодий, техник ва технологик салоҳиятга эга, халқаро майдонда нуфузли, глобал ва минтақавий масалаларни ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етакчи давлатлардан бири сифатида билади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда барқарор ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бугунги кунда 130 дан ортиқ ҳужжатдан иборат мустақам ҳуқуқий база яратилган ва барча даражадаги муносабатлар учун ишончли механизм мавжуд.

Мамлакатимиз иқтисодиётига кейинги 15 йилда Германиянинг 784 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри инвестициялари ва кредитлари жалб этилган. Ўзбекистонда Германия Федератив Республикаси инвестицияси иштирокида 113 корхона, шундан 27 таси тўла Германия капитали асосида фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда дунёга машҳур немис компаниялари Ўзбекистон бозорига мустақам ўрин эгаллаб, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. «MAN» концерни билан ҳамкорликда Самарқанд

вилоятида замонавий завод барпо этилган. Корхонада турли русумдаги юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу автомобилларга хорижда ҳам талаб юқори. Германия саноатининг яна бир етакчиси — «CLAAS» концерни билан ташкил этилган кўшма корхонада замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникаси ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган йили ташкил этилган Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгашининг иккита мажлиси ўтгани савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга икки томонда ҳам қизиқиш ортиб бораётганидан далолат беради. Ушбу мажлислар доирасида Германиядан 2,85 миллиард долларлик технологиялар ва имтиёзли кредитларни жалб этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланган.

Учрашувда Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигига доир бошқа масалалар, жумладан, маданий-гуманитар алоқаларни изчил ривожлантириш, таълимга оид кўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ГФР ташқи ишлар вазири самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Германия раҳбарияти ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлашга тайёр эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Изчил ташаббус ва ибратли ишлар

4

ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА

Мулкдорлар манфаати — бирламчи масала

5

ФУТБОЛ

Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳда биринчи ўринни эгаллади!

8



Солиқ 30НР олган суратлар



Ташаббускор ишбилармонлар танлови

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалишида йил сайин тараққий этиб бораётган хусусий секторнинг ҳам беқиёс улуши бор. Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳани қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сиёсатнинг қанчалик оқилона эканини дунёнинг нуфузли экспертлари ҳам эътироф этаётганига барчамиз гувоҳимиз. Қамров доираси йилдан-йилга кенгайиб бораётган «Ташаббус» кўрик-танлови эса тadbirkorликни янада ривожлантириш, соҳа вакиллари эришаётган илгор ютуқларни тарғиб қилиш, ёшларда ишбилармонликка бўлган иштиёқни янада кучайтириш сингари қўллаб-қўйиш мақсадларга хизмат қилаётир.

Жорий йилда ҳам ушбу кўрик-танловнинг худудий босқичларида минглаб тadbirkor, фермер ва хунармандлар иштирок этиб, ниҳоят энг муносиб деб топилганлар «Ташаббус-2016» кўрик-танловининг ҳал қилувчи республика босқичига этиб келишиди.

Мамлакатимизнинг барча худудларида 2016 йил учун

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(0-371) 215-63-80

БУГУНГИ СОНДА:

Энг улуг неъмат

Тинчлик, хотиржамлик, биламизки, ҳеч қачон осмондан тушмайди. Бу жараёнга эса чегарада хушёр турган аскардан тортиб, даласига меҳр билан уруғ сочаётган деҳқон, завод ва цехларни ҳаракатга келтираётган азизларимиз бирдек дахлдор, манфаатдор ва камарбастадир. Ҳар ким ўз ишини, зиммасидаги масъулиятни сидқидилдан адо этар экан, бевосита ва билвосита тинчлик учун хизмат қилади. Зотан, тинчлик теран тушунча, унинг бағрига жо бўлган кадриятларни санаб, адоғига етиш қийин.

4

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида

ЭЪТИРОФ ЭТИШ ЖОИЗКИ, ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУНЛАРИМИЗ ОРҚАЛИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ТОБОРА МУСТАҚАМЛАНМОҚДА

Тўлқижон КАРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Бу қонунлар мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим ўрин тутди. Айниқса, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунларнинг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши кўпгина юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлиги хамда тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим омил бўлди, десак муболага қилмаймиз.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар ҳам қабул қилинди.

2

ЭЛЕКТОРАТ ҲУЗУРИДА

Учрашувлар самарали бўлди

Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ, парламент қуйи палатаси депутатлари, жумладан, О'зЛиДеР фракцияси аъзолари томонидан сайлов округларида электорат вакиллари билан ўтказилаётган юзма-юз мулоқотларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар, ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаётган муҳим омиллар ҳусусида сўз юритилди.

Хўш, галдаги учрашувлар ва уларда кўтарилган масалаларнинг олдинги йиллардаги шу каби тadbirkorлардан фарқли жиҳатлари нималардан иборат бўлди? О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг ўз сайловчилари ҳузурдаги «кичик имтиҳонларни» тафсилоти-га ўтишдан аввал мазкур савот атрофида мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир.

Демократик ислоҳотларнинг асосий мақсади парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида манфаатлар мувозанати тизimini шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини яхшилаш ва уларнинг ижроси тўлиқ таъминлинишига эришишдан иборатдир. Ана шундай талаблардан келиб чиққан ҳолда, кейинги йилларда Олий Мажлис фаолиятида иқтисодий соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, қўлай инвестицион муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, банк-молия тизimini ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари муҳим ўрин эгаллади.

Дастлабки таҳлиллардан

2

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	2160,13	1 АКШ доллари	2876,72	1 Хитой юани	441,67	1 Польша злотийси	753,86	1 ЕВРО	3224,73
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 29 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарининг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)	1 Англия фунт стерлинги	4064,81	1 Миср фунти	321,42	1 Россия рубли	42,04	1 СДР	4016,22	10 Жапония Корея вони	24,65
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиб ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.	1 Дания крониси	430,80	1 Исландия крониси	22,88	1 Украина гривнаси	110,34	1 Туркия лираси	999,62	10 Япония енаси	253,28
	1 БАА дирҳами	783,23	1 Канада доллари	2170,78	1 Малайзия рингити	713,30	1 Швейцария франки	2943,84		

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Мулкдорлар манфаати — бирламчи масала

ПАРТИЯ ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁЛИК САҒДОШЛАРИМИЗ МАСЪУЛИЯТ, АВВАЛО, ЭЛЕКТОРАТ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ, ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ ҲОҲИШ-ИРОДАСИНИ ИФОДАЛАШДАН БОШЛАНИШИ ХУСУСИДА СЎЗ ЮРИТИШАПТИ

Бошланғич ташкилотлар партиясининг дастурий максادلари тарғиб қилишда катта аҳамиятга эга. Ижтимоий-сиёсий жараёнларда бевосита иштирок этадиган, жойлардаги муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни бартараф этишга астойдил киришадиган ташкилотлар ҳам айнан куйи тузилмалардир. Бинобарин, O'zLiDeP Қарши шаҳар Кенгаши ҳам таянч бўғинлар фаолиятини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратмоқда.

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI аср» мухбири

Ўтган йил мобайнида салкам 50 та ғавий-сиёсий тadbир ташкил этилганлиги ва уларда 10 мингдан ортиқ киши қатнашгани диққатга молик. Умуман, шаҳарда тарафдорларимиз сони кун сайин ортиб бораётганилиги ишнинг талаб даражасида ташкил этилаётганлигидан далолатдир.

Кенгаш таркибидеги 97 та БПТ 2300 нафар аъзони бирлаштирган, — дейди O'zLiDeP Қарши шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирза Болтаев. — Куйи бўғинларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ошкоралик, ўз-ўзини танқид асосида ўтказилапти. Мазкур тadbирлар айрим бошланғич ташкилотлар зиммасидаги вазифаларга масъулиятсизлик билан ёндашаётганлигини ҳам кўрсатди. Жумладан, 6 нафар етакчининг фаолияти ҳаммаслақларимизни қониктирмади. Уларнинг ўрнига янгилари сайланди. Йиғилишларда етакчилар фаолияти самардорлигини оширишга кўмаклашганини самарали услублирини жорий этиш масаласи қайта-қайта тилга олинаётганлиги бежиз эмас.

Саъдулло Камолов етакчилик қилаётган «Азизбек офсет барака» МЧЖдаги бошланғич ташкилотнинг ҳисобот-сайлов йиғилишида ташкидланганидек, бу ердаги партиядошларимиз давлатимиз раҳбарининг кичик



Бирламчи масала ҳисобот-сайлов йиғилишида қашқадарёлик сағдошларимиз масъулият, аввало, электроат ишончини қозониш, хусусий секторнинг ҳоҳиш-иродасини ифодалашдан бошланиши хусусида сўз юритиш апти

бизнес ва хусусий тadbиркорликини ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга қаратилган қарор ва фармонларидан келиб чиқиб, бир қанча ишларни амалга оширишди. Хусусан, БПТ кўмаги билан уч нафар тadbиркор ўз фаолиятини йўлга қўйишга эришди. Улар айна пайтда паррандачилик, тикувчилик ва тўқувчилик билан машғул бўлиб, ёшларни иш билан таъминлаяпти. Таянч тузилма хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил қилинишига ҳам кўмаклаша-япти. Шунингдек, касб-хунар коллежларини битираётган ёшларни тadbиркорликка йўналтириш борасида қизгин иш олиб борилмоқда. Маҳалларда «уста-шогирд» аънаналарига мувофиқ ёшларга зардўзлик, дурадгорлик, тикувчилик касблари ўргатилапти. БПТ етакчисининг турли давра сўхбатлари ва семинарларда сўзга чиқиб, асосли таклифлар билдираётганини ҳам қайд этиш жоиз.

— Корхонамизда ўз фаолиятини либерал гоялар билан боғлаган юздан ортиқ инсон бор, — дейди «Қаршиёғэктракция» МЧЖдаги O'zLiDeP куйи тузилмаси аъзоси Азим Қаюмов. — Уларнинг аксарияти ёшлар эканлиги қувонарлидир. Ҳисобот-сайлов йиғилишида сағдошларимизнинг юксак маънавиятли, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши англайдиган, юрдошларимизга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳиятини еткази оладиган билимдон тарғибчи билан бўлиб шаклланишлари мақсадига ташкил этилган машғулотлар ўз самарасини берганлиги эътироф этилди. Партиядошларимиз ташаббуси билан корхонада ишлаб чиқариш бандлигини таъминлаш, расида ўнлаб янги лойиҳалар амалиётга татбиқ қилинди. БПТ ишчи-ҳодимларнинг дам олиш соатларини мазмунли ўтказишлари ҳам кўмаклашапти. Куйи бўғинимиз қошидаги «Ишбилармон ёшлар» клубига ташаббускор ва ташкилотчи йиғит-қизлар жалб этилиб, улар тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали бандликка кўмаклашиб, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга эришиш борасида тарғибот ишларини кучайтиришди.

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Сурайёхон Қурносова бошланғич партиядошларимизнинг ишончли раҳбарлиги тadbиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган маслақдошларимиздан бири. Унинг ташаббуси билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга йўналтирилган турли тadbирлар уюштирилмоқда. Депутатнинг шаҳар биргалиқда маҳаллалар, таълим муассасаларида ташкил этилаётган, долзарб мавзуларга бағишланган тadbирлари жамоатчилиқда қизиқиш уйғотаяпти. Касаначилик орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тadbиркор аёллар дуч келаятган айрим муаммоларни ўз жойида бартараф этиш борасидаги ишларда ҳам унинг ҳиссаси катта.

— Амалий ишлар туфайли электратимиз, умуман, аҳолининг партиямизга ишончи тобора мустаҳкамлана-япти, — дейди O'zLiDeP Қарши шаҳар Кенгаши раиси Санжар Эргашев. — Куйи бўғинларга депутатлар бириктирилгани айна муддао бўлди. Шаҳримизда бўш иш ўринлари ямаркалари тез-тез ўтказилаётгани ҳам ана шу ҳамкорлик самараларидан бири. БПТлар қўллаб-қувватлаш асосида ўз ўрнини топишига кўмакдош бўлаётганлигидан хурсандимиз.


Найм Турдалиев раҳбарлик қилаётган «Мадина» савдо ва ишлаб чиқариш фирмасида иш юритаётган куйи бўғин 11 нафар аъзони жипслагштирган. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида шаҳардаги 4-кичик туман аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, ободонлаштириш ишларини кучайтириш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича таклифлар муҳокама этилди.

БПТ аъзоларидан Муҳаммади Норқобилов, Азиз Пирназаров ва бошқалар сўзга чиқиб, мазкур ҳудудда истикомат қилаётган 10 нафар хотин-қизнинг касаначилик орқали ишга жойлаштирилгани, яна 20 нафарига ушбу масалада ёрдам берилганлигини айтиб ўтди. — Шаҳримизни янада обод масканга айлантириш учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш борасида ҳам фикрлар билдирилди. — деди биз билан сўхбатда Н. Турдалиев. — Чуни хануз таъмирталаб уйлар бор, айрим жойларда ичимлик суви таъминоти яхши эмас. Шу билан бирга тadbиркорликни янада ривожлантириш

ТАДБИРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Бошланғич ташкилотлар партиясининг тadbирларнинг хилма-хиллигини таъминлашда нималарга эътибор қаратишлари керак?

— Аввало шуни таъкидлаш зарурки, партиясининг турли-туманлигига фақатгина сиёсий куч Дастури ва Сайловди платформасида белги-ланган вазифалар бажарилишига йўналтирилган тadbирлар ўтказиш ҳисобига эришилади.



— Айтишимиз, шаҳар мезморий ёдгорликларини асраб-авайлаш, меҳмонларга туристик хизмат кўрсатиш-ни янада замонавийлашти-рилишига ҳисса қўйишимиз зарур. Бугунги йиғилишимиз-да кўрилган масалаларнинг мақбул ечимларини топиш мақсадида шаҳар партиядошлари маълумотнома тақдим этди.

Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, БПТлар ҳаётидаги мазкур муҳим жараёнда кун тартибидеги ташкилий ва бошқа масалалар кўрилиши бартараф қилинганда партиямиз томонидан берилган ваъдаларнинг ҳаётига қанчалик жорий қилинаётганлиги атрофлича таҳлил қилинмоқда, хусусий сектор вакилларини ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этиш йўллари изланмоқда. O'zLiDeP учун хусусий мулк, мулкдорлар манфаати масаласи ҳамisha бирламчи бўлиб қолавериши таъкидланапти. Шу маънода ҳисобот-сайлов йиғилишлари куйи бўғинларнинг депутатлар, тарти-лотларнинг туман маънодаги кўмакчиси, елкадошига айланганлигини яна бир қарра намоён этмоқда.

Фаолликка интилиб

Избоскан туманидаги «Мирзо Улугбек» МФЙ ҳудудида фаолият юритаётган O'zLiDeP бошланғич ташкилоти ташаббуси билан Хонобод шаҳридаги «LENS TEXTILE INVEST» МЧЖда «Аник фуқаролик позициясига эга бўлган инсонни тўғри йўлдан қайтариб бўлмайдми» мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

Эркин фикрлашув тарзида ўтган тadbирда партиямиз Дастурида белгиланган вазифаларга уйғун равишда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий билимлари, ҳуқуқий маданияти ва онг-тафаккурини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар ниқёсини янада кенгайтириш, самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди. Давра сўхбатда қатнашган депутатлар Бош Қомусимиз фуқаро ва давлат, инсон ва жамят муносабатларининг ишончли кафолати эканлиги, юрдошларимиз сиёсий тафаккурида, фаолиятида янгича ижтимоий интилишлар, шакл ва андозлар пайдо бўлаётгани эса демократиянинг турмушимиздан тобора мустаҳкамроқ ўрни олаётганидан далолат экани хусусида ҳам сўз юритишди. Тadbир доирасида ўқув машғулоти ҳам ўтказилди. Унда партиядошлар ташкил этилаётган турли мавзулардаги семинарлар, лойиҳаларда фаол иштирок этиб, ўз билим ва кўникмаларини ошираётган ёшлар қатнашди.

Ҳамкорлик ва ҳамжихатлик

Корхонамизда фаолият кўрсатаётган тартиядошлар куйи бўғини ҳисобот-сайлов йиғилишида маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргалиқда олиб бориладиган ишларга ҳам ҳолисона баҳо берилди. Қайд этиш зарурки, ана шундай ҳамжихатлик туфайли партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлигини ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари мазмун-муҳиятини ўрганишга бағишланган тadbирлар юқори савияда ўтказилаяпти.

Шунингдек, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни партиясини востилар билан ҳамкорлик қилишда ҳам бундай ҳамкорлик қўл келаётир. Бу борада БПТ аъзоларидан, айникса, Эргаш Тошев, Зебо Обидова ва Тоир Файзуллаев жонбозлик кўрсатишапти. Фаолларнинг Бухоро тумани марказидаги «Ойбек», «Дўстлик», «Галаасие», «Наврўз» МФЙ ҳудудидеги оилаларда яшовчилар билан тез-тез мулоқотда бўлиб, уларни йўналтираётган муаммоларни БПТ йиғилишларига олиб чиқаятганликлари, сўнгра улар партиядошларнинг кўмаги ва қўллаб-қувватлашини ҳам ҳар қандам сезиб туришибди. Маслақдошларнинг сиёсий-ғавий сиёсийнинг янада ўстириш, турли тadbирларни талаб даражасида ташкил этишда унинг ёрдами катта бўлаяпти. Гулнара ҲАДАЕВА, «Ғарбга таянмот» УК «Бухоро тумани» филиалидаги БПТ раиси.

Хусусий клиникадаги таянч тузилма

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Хусусий амалиёт врачлари ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган «Энг яхши доавлат тиббиёт муассасаси» кўрик-танлови республика босқичида 2015 йилнинг «Энг яхши шифокори» номинацияси бўйича «NAVOIY-OFTALMOSERVIS» хусусий клиникаси раҳбари, O'zLiDeP аъзоси Анвар Намозов учинчи ўринга муносиб топилди.

Мансур АСЛОНОВ, «XXI аср» мухбири

— Очгини айтишим керак, бу мен учун қутилмаган туҳфа бўлди, — дейди А. Намозов. — Чунки танловда хусусий тиббиёт яхши ривожланган Тошкент, Самарканд сингари шаҳарлар ва бошқа вило-

Дўстлари билан маслаҳатланди. Ниҳоят, 2009 йилда хусусий клиника очила қарор қилди. Дастлаб шифохона бир врач ва бир ҳамширадан иборат эди. Беш йил ичида эса банкдан кредит олинди, ташландик спорт зали реконструкция қилинди, хориждан замонавий усқуналар харид қилиниб, ўрнатилди. Бу орала у ўз истикболини ўйлаб, O'zLiDePга аъзо бўлди. Партиясини лойиҳаларда фаол иштирок этиб, бизнес-режа тузиш, иш юритиш, ҳамкорлар билан ишлаш бўйича сабоқ олди. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини оширди. Ҳақини ҳам хоржий давлатда бўлиб, тажриба тўплади.

— Банкдан олинган 600 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисо-

бига энг замонавий тиббий қурилмалар ўрнатилган клиникада 20 та иш ўрни яратди, — дейди сағдошимиз. — Яқинда клиникамизга Австриядан келтирилаётган «Эксимер-лазер» аппаратурини ўрнатимиз. Бу эса мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажариш ва юрдошларимизни узокки кўра олмаслик каби касалликлардан фориг қилиш имконини беради. — Анвар Намозов энг фаол, ташаббускор ва ишчан маслақдошларимиздан бири, — дейди O'zLiDeP Навой шаҳар Кенгаши раиси, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партиямиз депутати Мирзаев. — У билан бир неча йил ҳам касбдош, ҳам сағдош сифатида

елкама-елка туриб, бирга ишладик. Яқинда унинг раҳбарлигидаги хусусий касалхонада партиядошларнинг ташкилотига асос солинди. Дарҳақиқат, клиникадаги либерал-демократик гояларни қўллаб-қувватловчи 7 шифокор ва ҳамшира бирлашиб, янги БПТ ташкил этишди. Таянч тузилманинг таъсис йиғилишида бош ҳамшира Зулфия Атамурадова яқдиллик билан БПТ раислигига сайланди. Шифокор сағдошларимиз нафақат тиббий хизмат кўрсатишда, балки партиясини тарғиб қилиш, электорат ва аъзолар сифатини кенгайтиришда ҳам бошқаларга ўрнак бўладилар, деган умиддамиз.

